

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-3>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Мухамедов Ҳайдарали Мелиевич АНТИК ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ҲУҚУҚИ.....	5
2. Turgunov Murodjon Tursunbayevich ЎРТА АСРЛАРДАГИ МУСУЛМОН ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ФОРОБИЙ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....	16
3. Ибрагимова Мухлиса Паридуновна ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИДА ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ МАСАЛАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.....	23
4. Ubaydullayev Abror Qutilla o‘g‘li ISLOM MOLIYASINI HUQUQIY VA TASHKILY JIHATDAN TARTIBGA SOLUVCHI XALQARO INSTITUTLARINING SHAKLLANISH TARIXI VA EVOLUTSIYASI.....	29
5. Yuldoshbekov Avazbek Alisher o‘g‘li SOLIQ MASALAHATINI AMALGA OSHIRISH PRINSIPLARI VA ULARNING TURLARI.....	35
6. Ашурова Наргиза Аъзамовна ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУЛКИЙ АСОСЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ ТАВСИФИ.....	43
7. Амангельды Айжан Амангельдыкызы ПРАВОПРЕЕМСТВО ПРАВ В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ.....	54
8. Чориева Хуршидабону Хуррам кизи ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	74
9. Эшимбетова Дармон Уразбаевна КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМ.....	82
10. Казакбаев Туулбай Каримбаевич КОРПОРАТИВ ШАРТНОМА ШАКЛИ ВА УНИ ТУЗИШ ШАРТЛАРИ.....	90
11. Rasulov Bekzod Boymuratovich QURILISHNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH – BARQAROR RIVOJLANISH MEZONI.....	98
12. Умарова Барно Акбутаевна ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАХРУМ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	107




Умарова Барно Акбутаевна,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғи, Юридик фанлар номзоди

E-mail: shodiyor-14@mail.ru

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation: Umarova Barno Akbutaevna. SOME THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF DEPRIVATION OF PARENTAL RIGHTS. Journal of Law Research. 2023, Special issue 3, pp.107-114

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10505580>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф вояга етмаган болаларнинг ота-оналик ҳуқуқлари, ота-оналик ҳуқуқларини бузиш оқибатлари, ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг ҳуқуқий асослари, ушбу ҳуқуқий асосларнинг мазмун-моҳияти, миллий қонунчиликда назарда тутилган тартиб таомиллар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг процессуал ҳуқуқий жиҳатларини суд-прокурор амалиёти билан узвий боғлаган ҳолда тадқиқ қилиб, суд-прокурор амалиётидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилган. Шунингдек, ушбу соҳада олимларнинг илмий қарашлари ҳамда хорижий давлатларнинг қонунчилиги ўрганиб, муаллиф ўз мулоҳазаларини илгари сурган.

Калит сўзлар: ота-она, бола, фарзанд, ота-оналик ҳуқуқи, ота-оналик ҳуқуқидан маҳмурим қилиш, васийлик ва ҳомийлик, фарзандликка олувчилар, прокурор

Умарова Барно Акбутаевна,

Начальник управления Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан,

кандидат юридических наук

E-mail: shodiyor-14@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЛИШЕНИЯ РОДИТЕЛЬСКИХ ПРАВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассматривает родительские права несовершеннолетних, последствия нарушения родительских прав, правовые основания лишения этих прав, содержание и сущность этих правовых оснований, процедуры, предусмотренные национальным законодательством, процессуально-правовые аспекты лишения родительских прав. Он исследовал и проанализировал существующие проблемы в практике прокурора. Также были

изучены научные взгляды учёных в данной области и законодательство зарубежных стран, и автор высказал своё мнение.

Ключевые слова: родитель, ребенок, родительские права, лишение родительских прав, опека и попечительство, усыновители, прокурор.

Umarova Barno Akbutaevna,

Head of the Department of the General Prosecutor's Office
of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Legal Sciences
E-mail: shodiyor-14@mail.ru

SOME THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF DEPRIVATION OF PARENTAL RIGHTS

ANNOTATION

In this article, the author examines the parental rights of minors, the consequences of violation of parental rights, the legal grounds for deprivation of these rights, the content and essence of these legal grounds, procedures provided for by national legislation, procedural and legal aspects of deprivation of parental rights. He researched and analyzed existing problems in the practice of the prosecutor. The scientific views of scientists in this field and the legislation of foreign countries were also studied, and the author expressed his opinion.

Keywords: parent, child, child, parental rights, deprivation of parental rights, guardianship and sponsorship, adoptive parents, prosecutor

Ижтимоий қадрият сифатида оилавий ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан тартибга солинади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги қатъий белгиланиб, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади.

Ҳозирги кунда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар миллий ҳуқуқ тизимига ҳар томонлама мос келади. Миллий урф одатларимиз ва анъаналаримиз ҳам болаларнинг ота-оналик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутаяди.

Тадқиқотларда ота-оналик ҳуқуқи болаларнинг келиб чиқишларига асосланиб, тегишли қонун билан белгиланган тартибда бола туғилганлиги ФХДЁ органида ёзилишига асосланиши қайд этади[1]. Бошқа бир адабиётларда ота-оналик ҳуқуқи бола дунёга келган вақтдан ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар, шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганига қадар давом этадиган ва қонун билан тартибга солинган ҳулқ-атвор қоидалари- деб таъриф берилган[2].

Жамиятимизда ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга. Бола ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний кадр-қимматлари ҳурмат қилиниши керак. Бироқ, боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 9-моддасига асосан, болалар ўз ихтиёрларига қарши ота-оналаридан ажратилиши мумкин эмас, бундай ҳаракат алоҳида истисноли ҳолларда, яъни суд қарори асосида боланинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши мукин.

Ота-оналик мажбуриятларини бажармаганлик учун энг охирги ҳуқуқий таъсир чораси бу - ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишдир. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибда амалга оширилади.

3.Эсанова ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида тўхталиб, уни ота-оналик мажбуриятларини бажармаган ёки бажаришдан бош тортган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган бошқа асосларга мувофиқ қўлланиладиган оила ҳуқуқий жазо чораси сифатида кўрсатади[3].

Ф.М.Отахўжаев, Ш.Р.Юлдашевлар ўз илмий асарларида ота-она ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажармасалар у ҳолда улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилишлари, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишлик сўнги чора эканлиги, шу билан бирга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш уларга таъсир қиладиган ҳамма чора-тадбирлар тегишли натижа бермаганидан сўнг қўлланилишини қайд этишган[1].

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 8-бандида, ота-оналарнинг маҳрум қилиниши мумкин бўлган ота-оналик ҳуқуқи дейилганда, уларга боласини вояга етгунча тарбиялаш, унинг манфаатларини ҳимоя этиш ва унга вакиллик қилиш, боласини бошқа шахслардан талаб қилиб олиш, унинг фарзандликка олинишига розилик бериш ва ҳ.к.лар учун берилган ҳуқуқлар тушунилмоғи лозимлиги, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналар болалари билан туғишганлик фактига асосланган ҳуқуқларини: вояга етган болаларидан нафақа олиш, улар вафот этган тақдирда нафақа билан таъминланиш, болаларининг мулкига ворис бўлиш ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларини ҳам йўқотадилар-деб белгиланган[4].

Оила қонунчилигида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари сифатида уларнинг ҳаракат ва ҳаракатсизликда ифодаланган айбли қонунга зид хулқ-атвори назарда тутилади[5].

Демак юқоридаги фиклардан қувватлаган ҳолда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш деганда, оила қонунчилигига асосан ота-оналик мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ота-оналарга нисбатан қонунда белгиланган асосларга кўра қўлланиладиган ҳуқуқий жазо чораси сифатида баҳоланади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг асослари Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида (кейинги ўринларда ОК деб юритилади) белгиланган. Унга кўра, ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин:

а) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товлаш:

Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиш - ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик ёки ота-онанинг болаларининг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлигида, узрсиз сабабларга кўра боланинг моддий томондан таъминламаслигида намоён бўлади.

Ота-она алимент тўлашдан бош тортганда - бу факт суднинг ҳукми билан тасдиқланиши шарт эмас. Алимент тўлашдан, яъни ўз болаларини моддий таъминлашдан доимий равишда қочишга уринганлигига ишонч ҳосил қилишликнинг ўзи кифоядир[4].

б) узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортиш:

Узрсиз сабабларга кўра боласини туғуруқхонадан ва бошқа болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаларидан олишдан бош тортганлик - туғуруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси комиссиялари томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Бунда узрли сабаблар билан боладан воз кечиш деганда, суд амалиётида ёлғиз онанинг оғир моддий аҳволга тушиб қолиши, болани боқиш, даволатиш учун маблағи ёки яшаш учун

бошпанаси бўлмаган ҳолатлар, ёинки ота-онанинг болага ғамхўрлик қилиш ва тарбиялашига монелик қилувчи ҳасталикка чалиниши каби ҳолатлар инобатга олиниси мумкин[5].

в) ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатганда:

Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деганда - ота-оналик ҳуқуқларидан бола манфаатларига зид равишда фойдаланиш, масалан, боланинг ўқишига, жамоат топшириқларини бажаришига тўсқинлик қилиш, тиланчиликка ундаш, уни спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ўргатиш, жиноят қилишда, жиноий йўл билан даромад топишда вояга етмаганни жалб қилиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари тушунилади.

Болалар билан шафқатсиз муомалада бўлиш - уларни жисмоний ва руҳий қийнашда, шу жумладан кўрқувда ушлашда, тарбиялашнинг умумэътироф этилган ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлган ва йўл қўйиб бўлмайдиган усулларини қўллашда, болаларининг инсоний ғурурларини камситишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин[4].

Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаш жоизки, агар болаларга нисбатан ота-она эмас, балки оила аъзолари шафқатсиз муомалада бўлсалар, боланинг ота ва онаси бунга қаршилиқ қилмасалар, бундай ота-оналарнинг ота-оналик ҳуқуқлари ОКнинг 83-моддасига мувофиқ чекланиши мумкин.

г) ота-она муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлганда:

Мазкур асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан даъво қўзғатилган ҳолларда, ота-онанинг сурункали ичкиликбозликка ёки гиёҳвандлик касалига учраганлиги тегишли тиббиёт хулосаси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ота-онанинг сурункали ичкиликбозликка ёки гиёҳвандлик касалига учраганлиги боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун тўғридан-тўғри хавф туғдиришини инобатга олиб, шундай асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун, уларда мазкур тиббий ташҳиснинг мавжудлигининг ўзи етарли асос бўлиб ҳисобланади.

Бундай муҳитда тарбияланаётган бола, ота-она томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилади, оқибатда жисмоний ва маънан изтироб чекишга маҳкум бўлади[5].

д) ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилганда:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 15-банди, 9-10-кичик бандларида, боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир қилиш ўта оғир ва жамоат учун хавфли ҳисобланиши, бундай асосларга кўра ота (она)ни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга фақат суднинг ҳукми бўлгандагина йўл қўйилиши, болани ота (она)сининг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота (она)си томонидан қасддан жиноят содир қилганлиги асосига кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишлик ҳақидаги ишларни кўришда бола жиноят объекти унинг ота (она)си бўлган ҳолларда зарар кўришини ҳисобга олишлари, бундай асосларга кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишликка ҳам айбдорга нисбатан суднинг ҳукми бўлиши лозимлиги белгиланган. [4].

ОКнинг 80-моддасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги даъво талаби билан судга:

- ота (она) (уларнинг ўрнини босувчи шахслар);

- прокурор;

- вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасалар (васийлик ва ҳомийлик органи, болалар масалалари бўйича комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасалар) мурожаат қилишга ҳақли[6].

Мазкур тоифадаги ишларнинг судда кўрилишининг алоҳида талабларидан бири бу - ишда прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокидир.

Бу эса ўз навбатида ҳам вояга етмаган шахснинг ҳамда унинг ота-онасининг низо кўрилиши жараёнида қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишининг қўшимча процессуал кафолати бўлиб хизмат қилади[5].

Ота-она ОКнинг 79-моддасида санаб ўтилган асослардан ташқари, бошқа асослар билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Бу қоида, бола маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиб, унинг қилмиши ва ота-онанинг айбли ҳатти-ҳаракати ўртасида сабабий боғланиш бўлмаган ҳолларга ҳам тегишли.

Шу ўринда статистик таҳлилларга эътибор қаратсак, жумладан, 2021-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 9 ойида биринчи инстанция судларида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ва чеклашга оид жами 3.390 (1.229/1.315/846) та фуқаролик ишлари кўрилган. Кўрилган ишлардан 2.112 (828/788/496) таси қаноатлантирилган, 787 (251/325/211) таси рад этилган, 33 (12/8/13) таси тугатилган ҳамда 458 (138/194/126) таси кўрмасдан қолдирилган. Ушбу тоифадаги 710 (302/262/146) та ишлар прокурор даъволари асосида кўриб чиқилган[7].

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур тоифадаги ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда баъзи камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, ОКнинг 80-моддасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилиши шартлиги белгиланган.

Шундай бўлсада, ушбу қонунчилик талаби бузилиши оқибатида, прокурор иштирокида кўрилиши лозим бўлган 37 та фуқаролик ишлари прокурор иштирокисиз кўриб чиқилган.

Шу билан бирга, судларда фуқаролик ишларини васийлик ва ҳомийлик органи иштирокисиз ҳал этишдек салбий амалиёт шаклланган бўлиб, бундай қонунбузилишлар Тошкент шаҳрида 23 та, Фарғонада 20 та, Андижонда 14 та, Қашқадарёда 13 та, Тошкент вилоятида 11 та, Бухоро ва Жиззахда 10 тадан, Наманган ва Хоразмда 9 тадан, Сирдарёда 7 та ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси судларида 8 тани ташкил этган[7].

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги даъво, боланинг туғилганлик тўғрисидаги ёзувда ота-онаси тариқасида кўрсатилмаган шахсларга, жумладан фарзандликка олганларга ва болани ҳақиқатда тарбиялаётган шахсларга нисбатан кўзғатилиши мумкин эмас.

Бирок, суд амалиётида ОКнинг 63-моддасида, туғилишни ёзиш дафтаридаги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланиши белгиланишига қарамасдан, ота-онаси ҳисобланмаган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Мисол учун, даъвогар Самарқанд шаҳар Халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органининг жавобгар М.ни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъвоси вояга етмаганлар Д.М. ва Д.П.ларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларида онаси сифатида Д.О. исмли шахс кўрсатилган бўлишига қарамасдан, Самарқанд шаҳар судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Ёки, ОКнинг 169-моддасида, агар фарзандликка олувчилар ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар, фарзандликка олиш бекор қилиниши лозимлиги белгиланган.

Шунга қўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 11.09.1998 йилдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 10-бандида судларга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги даъво болани фарзандликка олувчиларга нисбатан кўзғатилиши мумкин эмаслиги тушунтирилган.

Лекин, суд амалиётида қайд этилган қонунчилик талабига зид равишда фарзандликка олувчи шахс оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Жумладан, фуқаролар З.Б. ва Н.Ю.лар вояга етмаган 02.07.2014 йилда туғилган А.Х.ни туманлараро судининг 26.05.2016 йилдаги ҳал қилув қарори билан фарзандликка олганлигига эътибор қаратилмасдан, шу суднинг 22.04.2022 йилдаги ҳал қилув қарори билан фарзандлика олувчи З.Б. фарзандликка олинган А.Х.га нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, васийни (ҳомийни) болани тарбиялашга виждонан ёндашмаганлиги муносабати билан ўз вазифаларини бажаришдан четлатиш масаласи суд томонидан эмас, балки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал қилинади. Агар васийлик (ҳомийлик) вазифасидан четлатилган шахс болани беришдан бош тортса, унга нисбатан болани олиш ҳақида даъво қўзғатилиши мумкин.

Низога оид Пленум қарорининг 11-банди талабига асосан, ота-онадан бирини ота ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги даъвони кўришда, суд, болаларнинг келгусидаги тарбияси учун етарли шароитларни таъминлаш ва ота-онанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, ҳар бир ҳолатда, алоҳида турадиган ота ёки онанинг турган жойини аниқлаши, уни ишда иштирок этишга жалб этиши ва болани тарбиялаш учун олиб бериш ҳақида талаб қилинган ҳолларда унга болани олиб бериш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши шарт.

Ота-оналик ҳуқуқидан суд тартибида маҳрум қилиш тартиби билан боғлиқ хорижий давлатлар қонунчилигида, масалан Германия Конституциясида (6-модда) болалар, агар уларни тарбиялашга ваколатли шахслар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаётган ва оқибатда болалар назоратсиз қолиши хавфи бўлганда, уларни тарбиялашга ваколатли шахсларнинг ихтиёрига қарши ўз оилаларидан ажратилишлари мумкинлиги белгиланган[8].

Кўплаб Шарқий Европа ва Болтиқбўйи давлатлари (Болгария, Венгрия, Польша, Словакия, Словения ва Чехия Республикалари) Конституцияларида эса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари ва тартиби Қонун билан тартибга солиниши алоҳида қайд этилган[9].

Жумладан, Белорусь Республикаси Конституциясида, болалар ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўз ихтиёрларига қарши, фақат суднинг қарорига асосан, агар ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда оиладан олиб қўйилиши мумкинлиги белгиланган[10].

Оила қонунчилигига асосан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлади.

Бу ҳуқуқлар нафақат боланинг вояга етмаган, балки ундан кейинги даврдаги оилавий, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар билан ҳам боғлиқ.

Хусусан, булар ота-онанинг қуйидаги ҳуқуқларидир:

- боланинг таълим олиши ва тарбиялаш билан боғлиқ ҳуқуқлари (ОК 73-модда);
- боланинг қонуний вакили сифатида ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи (ОК 74-модда);
- болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилиши талаб қилиш ҳуқуқи (ОК 78-модда);
- боланинг манфаатида, болали фуқаролар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва нафақалар, алимент олиш ҳуқуқи;
- вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандидан моддий таъминот олиш ҳуқуқи (ОК 109-модда);
- фарзанди вафот этган тақдирда, ундан қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқи;
- вояга етмаган фарзандини эмансипация қилишда розилик бериш ҳуқуқи;
- ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган фарзанди манфаатида битимлар тузишда розилик бериш ҳуқуқи;
- болани фарзандликка беришда розилик бериш ҳуқуқи (ОК 159-модда).

Шу билан бир қаторда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар, вояга етмаган фарзанди борларга қонун билан кафолатланган барча ижтимоий ҳимоя ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўладилар.

Булар, вояга етмаган ёки ўн тўрт ёшгача фарзанди бор бўлган ота-оналарга берилган меҳнат қонунчилиги билан кафолатланган ҳуқуқлар қисқартирилган иш ҳафтаси, меҳнат таътили бериш вақтини танлаш ҳуқуқи, тунги вақтда ишга жалб қилмаслик кафолатлари, уч ёшгача фарзанди бор аёлларга нисбатан татбиқ этилувчи кафолатлар ва бошқалар[5].

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-онани болаларини моддий таъминлаш мажбуриятидан озод қилмайди. Шу боис, суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда, агар жавобгардан фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш масаласида суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки суд буйруғи бўлмаса, даъво талабида кўрсатилган ёки кўрсатилмаган бўлишидан қатъи назар, боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онани (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

Тадқиқот доирасида суд амалиётида ўрганилганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналардан вояга етмаган фарзандларининг таъминоти учун алимент ундириш масаласи ҳал қилинмасдан қарорлар қабул қилинаётганлигини кузатилди.

Мисол учун, туман прокурорининг Ю.Д.ни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъвоси Нукус туманлараро суди томонидан 10.03.2023 йилда қаноатлантирилган бўлсада, жавобгардан уч нафар вояга етмаган фарзандларининг фойдасига алимент ундириш масаласи ҳал этилмаган[7].

Оила қонунчилигига кўра, ота ёки онадан бири ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва болалар улардан иккинчисининг, васийнинг ёки ҳомийнинг тарбиясига берилганда, алиментлар шу шахсларнинг фойдасига ундирилади.

Бунда, агар болалар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала ҳал этилгунга қадарли болалар муассасаларига жойлаштирилган бўлсалар, алиментлар шу муассасаларнинг фойдасига ундирилиши керак.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда тенг шароитларда камол топиши ва барча конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қонунларга қатъий риоя қилиниши, бу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш, ушбу соҳада давлат манфаатлари мавжудлиги сабабли, прокуратура органларининг ролини ошириш, назарий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда суд амалиётини таҳлил қилган ҳолда миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириб бориш лозим бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Отахўжаев Ф.М., Юлдашева Ш. Оила ҳуқуқи / дасрлик. -Т.:2009.Б-165 (Otakhovjaev F.M., Yuldasheva Sh. Family law / education. - T.: 2009. P.165)
2. Хайитов М.М. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ҳуқуқий асослари: илмий рисола / М.М.Хайитов Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти. Масъул муҳаррир Р.Ж.Рўзиев.-Т.: "NOSHIR", 2013. – Б – 9 (Khaitov M.M. Legal basis of deprivation of parental rights: scientific treatise / M.M. Khayitov, Tashkent State Legal Institute of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. Responsible editor R. J. Roziyev.-T.: "PUBLISHER", 2013. – P.9).
3. Эсанова З.Н. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд амалиёти ва таҳлил. Ҳуқуқ ва бурч. ижтимоий-ҳуқуқий журнал. №2 (38) 2009. – Б. -45 (Esanova Z.N. Deprivation of parental rights case law and analysis. Right and duty. Socio-legal magazine. No. 2 (38) 2009. P.45)
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарори (Decision No. 23 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated September 11, 1998 "On the practice of applying laws by courts in resolving disputes related to child upbringing")
5. Шайзаков Ш.И., Қандахарова Д.С. Айрим тоифадаги фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштироки / Илмий-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2022 й, - Б - 88 (Shayzakov Sh.I., Kandaharova D.S. Participation of the prosecutor in the consideration of certain categories of civil cases /

- Scientific and practical guide. - T.: Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, 2022, P 88)
6. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова; 2003 й., 1-сон (Family Code of the Republic of Uzbekistan Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1998, appendix to numbers 5-6; 2003, No. 1)
 7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини таъминлаш бошқармасининг умумлаштириш маълумотномаси. Т.: 2023 й. (Summary reference of the Office of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan for ensuring the participation of the prosecutor in the conduct of civil court cases. Date: 2023)
 8. Германия Конституцияси // Хорижий мамлакатлар Конституциялари. М.Б 1997 йил.С.155; (German Constitution // Constitutions of foreign countries. MB 1997 P.155)
 9. Марказий ва шарқий Европа давлатлари Конституциялари, Н.Варламова ред.1997 йил.С.67, 48, 207, 326, 375, 32, 524. (Constitutions of Central and Eastern European countries, edited by N. Varlamova, 1997. P.67, 48, 207, 326, 375, 32, 524)
 10. Беларусь Республикаси Конституцияси 32-м. (МДҲ ва Болтиқбўйи давлатларини янги Конституциялари. 2-нашр, Н.А.Михалева таҳ.С.140) (Article 32 of the Constitution of the Republic of Belarus. (The new Constitutions of the CIS and Baltic states. 2nd edition, N.A. Mikhaleva tah. P.140))



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

3-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000